

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОРХОНАЛАРИДА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА БОШҚАРИШДА ИЛҒОР ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Хуррамова Мадина Мансур қизи
 ТДИУ ҳузуридаги "Ўзбекистон иқтисодиётини
 ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари"
 илмий-тадқиқот маркази докторанти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15421329>

Аннотация: Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва унда хориж тажрибасини мунтазам қўллаш ҳозирги давр талаби бўлиб бу миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг аҳамиятли жihatларидан бири ҳисобланади. Қуйидаги мақола эса Ўзбекистон ва Ўзбекистон сингари жадал ривожланиб келаётган хорижий давлатлар инвестиция лойиҳаларини шакллантириш ва инвестициялар жалб этиш тажрибаси кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: инвестиция, лойиҳа бошқаруви, инвестиция лойиҳаси.

Глобал ўзгаришлар шароитида миллий иқтисодиётни ривожлантириш барча давлатларнинг асосий муаммоси бўлиб турган шароитда, мавжуд иқтисодий имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда иқтисодий барқарорликни таъминлашга эришиш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, Ўзбекистон сингари иқтисодиётини ривожланаётган давлатларда ресурслардан максимал даражада самарали фойдаланиш долзарб масаладир.

Жаҳон мамлакатларининг иқтисодий ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак, ривожланган ва ривожланаётган иқтисодиётга эга давлатларнинг кўпчилигида ушбу соҳа ривожланган.

1 жадвал.

Тўқимачилик ва кийим-кечак (ишлаб чиқаришда ЯИМда қўшилган қийматнинг улуши %)¹

| № | Мамлакат номи | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 |
|---|---------------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
| 1 | Албания | 30,08 | 32,08 | 32,39 | 33,74 | 34,88 | 36,58 | 36,39 | 36,39 |
| 2 | Аргентина | 8,37 | 8,18 | 8,60 | 7,92 | 6,94 | 5,21 | 4,93 | 3,98 |
| 3 | Болгария | 13,40 | 12,93 | 11,43 | 10,51 | 9,83 | 10,05 | 9,45 | 9,45 |
| 4 | Хитой | 9,99 | 9,99 | 9,99 | 9,99 | 9,99 | 9,99 | 9,99 | 9,99 |
| 5 | Индонезия | 11,32 | 10,22 | 10,89 | 11,99 | 12,51 | 12,88 | 12,88 | 12,88 |
| 6 | Шри-Ланка | 34,74 | 34,11 | 31,98 | 32,81 | 31,55 | 36,43 | 36,43 | 36,43 |
| 7 | Мўғулистон | 16,93 | 18,42 | 10,70 | 12,78 | 12,89 | 12,62 | 11,25 | 11,28 |
| 8 | Португалия | 15,13 | 16,06 | 15,19 | 15,49 | 14,77 | 14,73 | 14,44 | 14,44 |

¹ <https://data.worldbank.org/indicator/NV.MNF.TXTL.ZS.UN> Жаҳон Банкнинг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди. (Мурожаат санаси 22.12.2022 йил)

| | | | | | | | | | |
|----|-------------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|-------|
| 9 | Тунис | 19,57 | 19,21 | 17,59 | 17,59 | 17,59 | 17,59 | 17,59 | 17,59 |
| 10 | Туркия | 17,79 | 17,74 | 17,20 | 16,89 | 16,43 | 16,32 | 17,01 | 16,09 |
| 11 | Ўзбекистон | 17,87 | 17,59 | 18,35 | 18,10 | 17,74 | 15,28 | 13,22 | 13,22 |
| 12 | Россия | 1,88 | 1,75 | 1,66 | 1,75 | 1,90 | 1,72 | 1,69 | 1,69 |
| 13 | Қирғизистон | 7,30 | 3,84 | 3,71 | 3,78 | 2,76 | 3,94 | 3,90 | 3,90 |
| 14 | Қозоғистон | 0,92 | 0,90 | 0,94 | 0,90 | 0,92 | 0,85 | 0,88 | х |



1 расм. Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорларининг тўқимачилик ва кийим-кечак (ишлаб чиқаришда ЯИМда қўшилган қийматнинг улуши %) таҳлили²

Юқоридаги жадвал ва расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, тўқимачилик ва кийим-кечак ишлаб чиқариш саноати бўйича Ўзбекистоннинг иқтисодий кўрсаткичлари ўртача 10% дан юқори. Асосий иқтисодий ҳамкорларимиз билан солиштирганимизда бизнинг фоиздаги кўрсаткичларимиз Туркия давлатининг кўрсаткичларига деярли тенг ва Хитой давлатидан юқорироқда. Лекин ушбу давлатларнинг ЯИМ ҳажми билан Ўзбекистоннинг ЯИМ кўрсаткичини реал нархларда солиштирсак бизнинг кўрсаткичларимиз қуйироқда эганлигига гувоҳ бўламиз. Шунингдек, қўшни мамлакатлар иқтисодиётини таҳлил қилганимизда кўришимиз мумкинки, ушбу давлатларда енгил саноат ва тўқимачилик соҳалари мамлакат эҳтиёжини қондириш учун етарли эмас ва бу бизга қўшимча талабни юзага келтиради. Натижада мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган енгил саноат ва тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилиш имконияти ошади.

Енгил саноатнинг хорижий давлатлар ялпи ички маҳсулоти жами ҳажмидаги улушини таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, баъзи давлатларда тўқимачилик саноати

² <https://data.worldbank.org/indicator/NV.MNF.TXTL.ZS.UN> Жаҳон Банкнинг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди. (Мурожаат санаси 22.12.2022 йил)

маҳсулотларига бўлган ички талабни қондириш ва экспорт қилиш имкониятига эга эканлигини кўришимиз мумкин.

2 жадвал.

Бутун дунё ЯИМ кўрсаткичларида давларнинг улуши (2020 йил учун тузилган рейтинг маълумотлари)%³

| № | Мамлакат номи | Дунё ЯИМ ҳажмидаги улуши % | Жаҳондаги ўрни |
|----|---------------|----------------------------|----------------|
| 1 | Албания | 0,02 | 107 |
| 2 | Аргентина | 0,4 | 29 |
| 3 | Болгария | 0,07 | 71 |
| 4 | Хитой | 15,19 | 2 |
| 5 | Индонезия | 1,09 | 16 |
| 6 | Шри-Ланка | 0,08 | 70 |
| 7 | Мўғулистон | 0,01 | 141 |
| 8 | Португалия | 0,24 | 48 |
| 9 | Тунис | 0,04 | 93 |
| 10 | Туркия | 0,74 | 19 |
| 11 | Ўзбекистон | 0,06 | 84 |
| 12 | Россия | 1,54 | 11 |
| 13 | Қирғизистон | 0,01 | 134 |
| 14 | Қозоғистон | 0,18 | 53 |

2 жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, биз таҳлил қилаётган мамлакатларнинг бутун дунё ялпи ички маҳсулоти яратишидаги улуши Хитой, Россия, Туркия ва Аргентина давлатлари кучли 30 талик давлатлар қаторида бўлса, қолган давлатларнинг улуши Ўзбекистоннинг кўрсаткичларига яқин. Бу эса ушбу давлатлар ялпи ички маҳсулоти яратилишида энгил саноат кўрсаткичларини солиштириш асосли эканлигини кўрсатади.

Бугунги кунда ялпи ички маҳсулотни ҳисоблашнинг турли усуллари мавжудлигини ҳисобга оладиган бўлсак, хориж давлатлари ялпи ички маҳсулот ҳажмида хизматлар кўрсатишни қурилиш ва саноат ишлаб чиқариш ҳажмларига нисбатан кўпроқ қилиб кўрсатиш орқали иқтисодий тизимларининг постиндустриал босқичда эканлигини кўрсатишмоқда.

АҚШда энгил саноатнинг ривожланиши XVIII асрнинг охири XIX асрларга тўғри келган. Бунда асосан саноатнинг хали XX аср даражасида

³ https://www.theglobaleconomy.com/rankings/gdp_share/ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди. (Мурожаат санаси 22.12.2022 йил)

индустриалаштирилмаганлиги, шунингдек арзон ишчи кучининг меҳнатидан фойдаланиш юқори бўлганлиги билан изоҳласак бўлади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугунги кунда энгил саноатнинг тўқимачилик саноати маҳсулотларига, тайёр кийим-кечак, ва бошқа текстиль маҳсулотларига талаб ўсиб бормоқда. Шунингдек, ривожланган давлатларда ҳам ушбу соҳани ривожлантиришга, ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга катта эътибор берилмоқда. Жумладан ушбу бозорда АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Покистон, Бангладеш, Вьетнам, Бразилия каби энгил саноати ривожланган давлатлар билан рақобат қилиш осон бўлмайди. Вьетнам, Ҳиндистон, Бангладеш, Индонезия каби давлатлар энгил саноат лойиҳаларини амалга оширишда арзон ишчи кучи меҳнатидан фойдаланиб, молиявий ресурсларини тежамоқда ҳамда маҳсулот таннархини паст бўлишини таъминламоқда. АҚШ, Хитой, Италия, Туркия, Португалия, Германия каби давлатлар эса юқори технологиялар асосида сифати юқори бўлган, инсон саломатлигига минимал зарар етказадиган маҳсулотлари билан бозорда ўз ўрнига эга бўлишмоқда.

Кўриниб турибдики, АҚШ давлати юқори технологилар асосида сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга катта аҳамият қаратмоқда. Бунда ҳар бир ишлаб чиқариш қувватини лойиҳалаштиришда асосий мезон сифатида ишлаб чиқаришни автоматлаштиришнинг янги босқичини яратишга катта эътибор берилмоқда. Ўз навбатида бу соҳада мавжуд иш ўринларини маълум миқдорда камайтириши мумкин. Лекин пировардида, ишлаб чиқариш таннархи камайиши, маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланадиган вақт тежалиши ҳамда маҳсулот сифати янги босқичга чиқиши мумкин. Натижада, АҚШлик ишлаб чиқарувчилар дунёда тўқимачилик саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилишдаги ўз ўрнини сақлаб қолишларига имкон беради.

Бундай шароитда Ўзбекистоннинг энгил саноат соҳасидаги имкониятларини ошириш учун хориж тажрибасидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Натижада саноат корхонларида инвестицион лойиҳаларни бошқаришнинг самандорлиги ошади. Шунингдек, молиявий ресурсларни тўғри тақсимлаш, инвестицион лойиҳанинг ўзини қоплаш муддатини камайтириш орқали лойиҳа самарандорлигига эришилади.

Хориж тажрибасидан келиб чиқиб, қуйидагиларни таклиф қиламиз:

- энгил саноат соҳасида кичик ва ўрта бизнес субъектларига кенг шароит яратиб бериш лозим. Жумладан, бундай иқтисодий субъектларнинг инвестицион лойиҳа асосида иш фаолиятини таъминлаш, аниқ ҳисоб-қитоблар ва молиялаштириш манбаси асосида иш бошлашларига эришишни таъминлаш;
- ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асосий воситаларни, техникаларни ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бунинг учун ривожланган давлатлар билан ҳамкорликни кенгайтириб, асосий капиталга қўйиладиган инвестициялар ҳажминини ошириш;
- тайёр маҳсулотни халқаро бозорда сотиш учун миллий ва халқаро стандартларга асосланган ишлаб чиқаришни текшириш, сифат кўрсаткичинини аниқлаш тизимини яратиш, мавжуд усулларни такомиллаштириш;

- халқаро савдо муносабатларини ривожлантириш учун аввало ички бозорни, ён қўшни далватлар бозорига сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан кириб бориш, савдо уйлари ташкил этиш;
- чет эл савдо логистика тармоғига уланиш учун транспорт йўлакларини ташкил этиш, жумладан мамлакатларaro ўтувчи халқаро йўللارни қуриш лойиҳаларини ҳаётга тадбиқ этиш;
- малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш.

Юқоридаги таклифлар умумий бўлиб, энгил саноат соҳасини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини белгилаб беради. Бу эса ўз навбатида мамлакат ялпи миллий маҳсулоти кўпайишига, халқнинг турмуш даражаси фаровонлашишига олиб келади. Шунинг учун юқоридагиларга асосланган ҳолда, Ўзбекистонда энгил саноатни, хусусан тўқимачилик ва кийим-кечак ишлаб чиқаришни тизимли ривожлантиришнинг давлат дастурини ишлаб чиқиш таклиф этилади.

References:

Используемая литература:

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Francis J. Aguilar "Scanning the Business Environment" 1967 Harvard university
2. Rastogi, Nitank and Trivedi, M.K. "PESTLE Technique—A Tool to Identify External Risks in Construction Projects." International Research Journal of Engineering and Technology, vol. 3, no 1, 2016, pp. 385-386.
3. Silva, Carlos Nunes (2005). "SWOT analysis". In Caves, Roger W. (ed.). Encyclopedia of the city. Abingdon; New York: Routledge. pp. 444–445.
4. Mensch G. Stalemate in Technology: Innovation Overcome the Depression. Cambridge (Mass.), 1979. – 247 p.
5. Portfolio Selection. Harry Markowitz. The Journal of Finance, Vol. 7, No. 1. (Mar., 1952), pp. 77-91.
6. The Theory of Investment Value. Front Cover. John Burr Williams. Harvard University Press, 1938 - Investments - 613 pages.
7. Frank H. Knight, PhD, Risk, uncertainty and profit, Reprints of economic classics, New York 1964 445 p.
8. Modigliani, F., Miller, M. (1958), The cost of capital, corporation finance and the theory of investment, The American Economic Review, 3(48) (1958) 261–297.
9. Irving Fisher, The Theory of Interest, as determined by Impatience to Spend Income and Opportunity to Invest it (New. York: Macmillan, 1930).
10. J. Hirshleifer, On the Theory of Optimal Investment Decision, Journal of Political Economy, Vol. 66, No. 4 (Aug., 1958), pp. 329-352 The University of Chicago Press